

Хулоса қилиб айтганда мевали боғларда зарар етказётган асосий зараркунандалардан каналар, шираларга қарши Вертимек, Ниссоран, Энтолучо, Нуринол препаратларини қўллаш, кемирувчи араркунандалардан, олма мевахўри, олхўри мевахўри, шарқ мевахўри, тенгсиз ипак қурти, нок мевахўрига қарши Энтовант, Два-трин препаратларини қўллаш натижасида юқори биологик самарадорликка эришиш билан бир қаторда ҳосилни зараркунандаларнинг зарарли таъсиридан

ҳимоя қилинади.

Ш.ЭСОНБАЕВ,
б.ф.н., доцент,
У.А.МАШАРИПОВ,
Ж.ЭСОНБАЕВ,
М.МИРЗААХМЕДОВ,
А.ФАЙЗУЛЛАЕВА,
ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Обиджонов Д. Опасный вредитель в садах Узбекистана // Ж. Защита и карантин растений. – Москва, 2009. – №3. – С. 52.
2. Учаров А., Мухаммадиева М. Система защиты плодовых садов от вредителей. // Ж. АгроИлм. – Ташкент, 2015. – №2-3(34-35). – С. 62-63.
3. Ҳамраев А.Ш., Насриддинов К. Ўсимликларни биологик ҳимоялаш. Т: - 2003. "Халқ мероси" нашриёти. 287 б.
4. Юсупов А.Х., Марупов А. Боғ ва тоқзорларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш чоралари. – Тошкент, 2009. – 118 б.

БОҒДОРЛИК СИРЛАРИ

БОҒ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Аннотация: Мақолада мевали дарахтларнинг энг хавфли зараркунандалари, жумладан, олма қурти, қалқондорлар, олма ширалари, қон бити ва зарарли темирчаклар ва уларга қарши кураш чоралари курсатилган.

Калит сўзлар: боғ, зараркунандалар, олма қурти, қалқондорлар, бинафшаранг қалқондор, олма ширалар, қон бити, зарарли темирчаклар, кимёвий кураш.

Аннотация: В статье представлена информация о самых опасных вредителях плодовых культур, в том числе, плодовой гни, щитовки, щитовки, яблонная тля, кровавая тля и вредные кузнечики а также мер борьбы с ними.

Ключевые слова: сад, вредители, яблонная плодовая гни, щитовка, яблонная тля, кровавая тля, вредные кузнечики, химическая борьба.

Республикада озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли ва экологик тоза маҳсулотларни етиштириб бериш ҳозирги кунда энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мевали боғларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда, жумладан биологик, кимёвий ва бошқа агротехник тадбирлар олиб борилади. Мевали боғларда 200 турдан ортиқ зараркунанда учрайди. Шулардан олма қурти, шарқ мевахўри, ширалар, куялар, қалқондорлар ва бошқ. хавфли бўлиб, боғларга 70-80% гача ҳосилни зарарлаши исботланган.

Олма қурти. Энг кўп тарқалган хавфли зараркунанда бўлиб, Республикаимизнинг барча минтақаларида учрайди, олма, нок ва беҳи меваларини пишиш муддатига қараб, 30-40 фоиздан 80-90%гача зарарлаб, тўкилиб кетишига олиб келади. Минтақаларнинг иқлимига боғланган ҳолда олма қурти 2-3 ва қисман 4 марта авлод беради. Баҳор ва ёз даврида зараркунанданинг биринчи ва иккинчи авлодига қарши ёппасига дорилаш зарур. Биринчиси олмалар гуллаб бўлгандан кейин ўтказилади, иккинчи марта биринчи дорилашдан кейин 20-25 кун ўтгач, кузги олма навларини учинчи марта иккинчи ишловдан кейин 20-25 кун оралатиб ишлов бериш лозим. Олма қуртини пайдо бўлишини аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларини белгилаш учун ҳар бир гектарга бир донадан феромон тутқичи илиниши керак.

Тузоқ белбоғлар дарахт танасига боғланиб, ҳар ҳафтада

тузоқ белбоғ олин timer, унга тушган зараркунанда ғумбаги, қуртлари йўқотилади. Янги белбоғ дарахт танасига боғлаб қўйилади. Белбоғнинг кенглиги 30-40 см бўлиши, белбоғ учун эски қопдан, матодан, пахолдан фойдоланиш мукин.

Кимёвий кураш. Баҳорда мевали дарахтлар зараркунанданинг 1-чи авлодига қарши ёппасига дориланади. Биринчиси олмалар гуллагандан сўнг ўтказилади, 2-чи марта биринчи дорилашдан 12-15 кун ўтгач, кузги олма навлари



учинчи марта олма гуллагандан 45-47 кун ўтгандан сўнг пуркалади. Цепирметрин+хлорприфос (Нурелл-Д, Агрофос-Д), Лямбда-цигалотрин (Атилла, Караче, Далате, Каратэ) Индоксакарб (Аваунт, Энтовант) асосли препаратлар билан ишловларни ўтказиш тавсия этилади.

Қалқондорлар – тенгқанотли хартумлилар (Homoptera) туркумига, қалқондорлар (Diaspididae) оиласига киради. Ўрта Осиё уруғли мева боғларида қалқондорларнинг бир неча турлари, айниқса, бинафша тусли қалқондор, калифорния қалқондори, акация сохта қалқондорлари кўп учрайди.



Калифорния, бинафшаранг ва сохта қалқондорлар олма, нок, ўрик, олхўри каби барча мевали дарахтларнинг кенг тарқалган сўрувчи зараркунанда бўлиб, у олма ва бошқа мевали дарахтларнинг мевасини, тана, шох ва новдаларини сўриб зарарлайди. Кураш тадбирлари ўтказилмаса катта ёшли дарахтлар заифлашади, ҳосили камаяди, мевасини сифати пасаяди. Бундай дарахтларга иккиламчи зараркунанда ва касалликлар зарарлайди. Зарарланган дарахтларга 3 - 4 йил қаралмаса дарахт қуриб қолиши ҳам мумкин. Зарарланган меваларда қизғиш, сарғимтир рангли нўқтали доғлар пайдо бўлади. Бундай доғлар 2 - 3 дондан кўп бўлса, сифат-стандарт талабларига мос келмайди. Харидоргирлигини йўқотади.


Калифорния қалқондори - ички карантин объекти бўлиб, бу зараркунанда мева дарахтларига катта зарар келтиради. Қалқонча марказида четлар оқ хошияли иккита личинка териси жойлашган. Қалқончаларнинг туси тўқ сариқ жигаранг, ранги дарахт пўстлоғига ўхшайди. Ҳаво ҳарорати 10°C юқори бўлганда қишлаб чиққан личинкалар жонланиб озиқлана бошлайди. Битта урғочиси 100 - 200 личинка туғади. Янги туғилган личинкалар урғочи қалқондорларнинг қалқончаси тагидан



чиқади ва ёпишиб олиш учун қулай жой излаб дарахт бўйлаб ўрмалайди. Пўстлоқ, барг ва меваларга ёпишиб олган личинка умрининг охиригача шу жойда қолади. Личинкалар устидан ўзлари ажратган модда ҳисобига оқ тусли қалқонча ҳосил бўлади. 3-4 кундан кейин у қорая бошлайди. Биринчи ёшдаги личинкалар қишлаб қолади. Мавсумда 3 - 4 марта авлод беради.

Бинафшаранг қалқондор- (*Parlatoria oleae* Golvee) Баҳорда, ўртача ҳарорат 10 - 12°C га етганда, қишлаб чиққан урғочилари тухум қўя бошлайди. Битта урғочиси 70 тагача тухум қўяди. Тухумларининг эмбрионал ривожланиши 5 - 13 кун давом этади. Личинкалари "дайди" личинкалар дейилади, чунки улар тухумдан чиқгач дарахтнинг бутун танаси, ҳатто барги ва меваларигача тарқалиб кетади. Маълум жойга ўрнашиб олган личинкалар зўр бериб, шира сўриб дарахтни зарарлай бошлайди пўст ташлаши оқибатида ўзига қалқонча ясайди. Урғочи личинка биринчи марта 20 кун ўтгач, иккинчи марта биринчисидан 8-10 кун оралатиб пўст ташлаб, кейин имагога айланади. Эркак личинка пронимфа ва нимфа босқичларини ўтиб, кейин имагога айланади. 2 марта авлод бериб ривожланади. Ҳар бир наслнинг ривожланиши 50-60 кун давом этади.

Кураш чоралари. Қалқондорларга эрта баҳорда дарахт куртак ёзиш даврида дастлабки ишловни бериш керак. Чунки зараркунанда қишловдан чиқиб, тухум қўяди. Тухумидан чиққан личинкалар 1-2 кун давомида озиқа излаб очик ҳолатда яшайди худди мана шу даврда ишлатилган препаратлар самараси юқори бўлади. Кейинчалик қалқондорлар бир жойда ўтроқ ҳолда яшай бошлаши билан қалқон ҳосил қилади. Қалқон ҳосил қилгандан кейин контакт таъсир этувчи аксарият препаратларнинг самараси паст бўлиши мумкин.



Кимёвий кураш: Баҳорда мевали дарахтлар зараркунанданинг 1-чи авлодига қарши ёппасига дориланади. Биринчиси олмалар гуллагандан сўнг ўтказилади, 2-чи марта биринчи дорилашдан 12 - 15 кун ўтгач, кузги олма навлари учинчи марта олма гуллагандан 45 - 47 кун ўтгандан сўнг пуркалади. диметоат, цепирметрин+хлорприфос, имидаклоприд асосли нефт мойлари (Овипрон 2000 эм.к. (800г/л) 10-15 л/га) препаратлар билан ишловлар ўтказилади.

Каналар: Мевали дарахтларда ўргимчакканларнинг кўплаб турлари учрайди. Ўзбекистон шароитида бу оилга мансуб ўргимчакканалардан оддий ўргимчаккана, дўлана канаси, боғ ўргимчакканаси ва бошқалар учрайди. Оддий ўргимчаккана (*Tetranychus urticae*) - ғўза ва бошқа ўт ўсимликлардан ташқари, мевали дарахтлардан олма, гилос, олча ва олхўри дарахтларини кўплаб зарарлайди. Ўргимчакканлар билан зарарланган дарахт июл - август ойларида кўпинча баргсиз ҳолатга келиб қолиши мумкин, чунки зарарланиш оқибатида барглар сарғайиб тўкилиб кетади. Умуман дарахт кучсизланиб, ҳосили майда, сифатсиз ва кам бўлиб қолади.

Кимёвий кураш: гекситазокс асосли, гекситазокс +пропаргит асосли, пропаргит асосли препаратлардан бирортасини қўллаш тавсия этилади.

Олма шираси (*Aphis pomi* Des.). Олма, нок беҳи ва бошқа дарахтларда учрайди. Кенг тарқалган тур бўлиб, олма ўсадиган деярли барча ҳудудларда учрайди. Шира босган барг ва новдалар ўсишдан тўхтаб буралади, ҳатто куриб қолади. Олма шираси яшил, баъзан сариқ-яшил бўлади. Ширалар дарахтларнинг ёш шохларида тухум шаклида қишлаб чиқади. Олма шираси мавсум давомида 12-15 та авлод беради. Ҳар бир урғочи зот баҳорда 50 тагача ёзда эса 20-30 та гача личинкани тирик туғади.



Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида шираларнинг умумий ривожини сусаяди, бунга уларнинг табиий кушандалари ҳам сабаб бўлади.

Қон бити (*eriosoma lanigerum* hausm). Қон бити олма,



нок ва бошқа мевали дарахтларнинг илдизини, тана ва шохларининг ширасини сўриб, дарахтларни кучсизлантиради. Битнинг шира сўрган жойларида ғуддалар пайдо бўлади, улар кейинчалик ёрилиб, чирийд. Қон бити

тушган ёш дарахтлар кўпинча куриб қолади, қари дарахтлар

эса кучсизланиб, ҳосили жуда камайиб кетади. Қон бити кўп тушган шохлар қурийд. Март-апрел бошларида битлар қишлоқдан чиқади ва дарахтларга ўрмалаб чиқиб, пўстлоғи нозик ёки зарарланган жойларига ўрнашиб олади. Битларнинг галалари сидирға мум пар билан қопланади. Қон бити ёз бўйи 15-17 та авлод бериб ривожланади.

Кимёвий кураш: Қон бити тушган боғ кўчатзорларидан кўчатлар олинганда, албатта зараркунандага қарши фумигация қилиниши шарт. Қон битига қарши курашда кимёвий воситалардан фойдаланиш яхши самара беради. Қон бити ёш личинкалик даврида системали таъсир этувчи имидаклоприд, диметоат асосли ва бошқа препаратлар билан ишлов ўтказиш.

Зарарли темирчаклар тўғри қанотлилар туркумига мансуб бўлиб, уларнинг сонини йил сайин кўпайиб айрим ҳолларда қишлоқ хўжалиги экинларига яъни боғларда жиддий зарар келтириши кузатилмоқда. Хусусан Тошкент вилояти Қибрай, Бустонлик, Янгийўл, Чиноз, туманларида, темирчаклардан думли темирчак (*Tettigonia caudata*), Оқпешона темирчак (*Decticus albifrons*) ва яшил темирчак (*Tettigonia viridissima*) мевали боғларни меваларини зарарлаганлиги кўрилди.

Кимёвий кураш: Ўзбекистон республикаси давлат кимё комиссияси рўйхатида чигирткасимонларга қарши тавсия этилган замонавий препаратлар. Жумладан: Ляммбда-цигалотрин асосли, Альфа-циперметрин асосли, Циперметрин асосли, Дифлубензурон асосли, Имидаклоприд асосли инсектицидларни тавсия этилади.

Боғдорчиликда умумқабул қилинган юқори агротехник тадбирлар (кузги шудгор, маҳаллий ва минерал ўғитлар бериш, яхоб суви, зарарланган ва ортиқча новдаларни қирқиш) зараркунандаларга қарши инсектицидларидан бирининг 1000 л/га ишчи эритмаси билан эрталаб ёки кечки салқинда кимёвий ишлов ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади.

**И.ҲАМРОЕВ,
Дж.ТАГАБАЕВ,
М.ХИББИМОВ,**

“Ўзагрокимёхимоя” акционерлик жамияти
мутахассислари, қ.х.ф.ф.д.

УЎТ: 634.21: 632.

БОҒДОРЧИЛИК СИРЛАРИ

БОҒ ЎРГИМЧАККАНАСИГА ҚАРШИ КУРАШ

Олма дарахтида озиқланиши жиҳатидан турли гуруҳ бўғимоёқли ҳайвонлар намуналари, жумладан барг, новда, мева ва илдиз зараркунандаларини учратиш мумкин. Республика ҳудудларида бундай зараркунандалар орасида олма мевахўри, шарқ мевахўри, гирдак куяси, боғ ўргимчакканаси ва ширалар алоҳида ўрин тутиб, улардан кўриладиган зарар ҳосилнинг кўп қисмини ташкил этади [5, 6]. Шунинг учун ҳам бундай зараркунандаларни йил давомида ривожланишини кузатиб уларга қарши комплекс кураш чоралари олиб бориш талаб қилинади.

Республикаимиз иқлим шароитида Боғ ўргимчакканаси мевали боғларнинг асосий зараркунандаларидан бири ҳисобланади. Чунки, мамлакатимиз иқлим шароити ушбу зараркунанданинг кўпайиши учун жуда қулайдир. Умуман олганда, Ш.Т.Хўжаев ва А.Б.Учаров маълумотларига қараганда Ўзбекистон шароитида ўргимчакканаларнинг бир неча тури ҳаёт кечирилади. Аммо булардан биттасигина яъни боғ ўргимчаккана асосан мевали дарахтларга қаттиқ шикаст етказиши. Олма боғларида боғ ўргимчакканаси билан қанчалик эрта зарарланса шунчалик унинг зарари юқори бўлади. Июнь ойида ўргимчаккана билан зарарланган олмада

20-40 %, баъзан 70 % гача барглари зарарлаб ҳосилни 50 % гача йўқотади. Асосан боғ ўргимчакканага қарши кимёвий усул ёрдамида курашибгина унинг зараридан ҳосилни сақлаб қолиш мумкин. Тадқиқотнинг бу қисмида боғ ўргимчакканага қарши ўз вақтида тўғри курашиб самарали курашиш тизимини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди [1, 2, 4, 5, 6].

Боғ зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш асосан қуйидаги икки йўналишда олиб борилади:

а) олдини олиш ёки огоҳлантириш: мевали боғларда ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган омборхоналарда зараркунандалар кўпайишига йўл қўймаслик;

б) қириб ташлаш: мевали боғларга зарар келтираётган, ҳосилнинг нобуд бўлишига ҳавф солаётган зараркунандаларни йўқ қилиш; Боғ зараркунандаларига қарши агротехник, биологик, кимёвий, физик, механик усулларда курашилади ва карантин чоралари кўрилади [1, 6].

Дастлабки тажриба 2018 йил 10 июнда Тошкент вилояти, Қибрай тумани “Собиоров Агро” ф/хда олма боғ майдонларида ўтказилди. Бу тажрибанинг мақсади ўргимчакканага қарши курашда тавсия қилинган ва янги тақдим этилган инсектицид-ака-